

*Соат МҮМИН*

**ҲАЁТ**  
**ҚҮШИҒИ**



**Соат Мўмин**

# **ҲАЁТ ҚЎШИҒИ**

«ТАФАККУР» нашриёти  
Тошкент – 2010

**Kitobxon.Com**

Мўмин, Соат.

Ҳаёт қўшиғи. Шеърлар/ С.Мўмин - Тошкент.  
«ТАФАККУР», 2010, -64 б.

Дарду қувончини шеър орқали ифода этиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Бунинг учун киши қалбига осмон жо бўлмоғи, нигоҳи бошқа рангларни ҳам кўра олмоғи лозим.

Яхши шеър қалбни даволайди.

Руҳни тетиклаштиради. Ана шундай руҳият табибларини халқ ардоқлаб “шоир” деб таъриф беради.

Иқтидорли ёш шоир Соат Мўмин Жумаевнинг навбатдаги “Ҳаёт қўшиғи” номли тўплами ҳам Сиз азиз шеър ихлосмандларини бефарқ қолдирмайди, деган умиддамиз.

ISBN 978-9943-372-86-3

© Соат Мўмин  
© «ТАФАККУР» нашриёти

**Kitobxon.Com**

## ЭНА ЮРТ

Энажоним, эна юрт.  
Қаддинг кўтар, қаддинг тут.  
Сен ичмаган - оғу йўқ,  
Сен чекмаган қайғу йўқ.  
У кунлар захмин унут,  
Энажоним, эна юрт...

Неча замон оламга,  
Панжарадан қарадинг.  
Ҳар бир гиёҳ, майсадан,  
Гоҳ - Синони сўрадинг.  
Жоҳиллар эди бисёр,  
Бисёр эди — золимлар.  
Халқ дардига даъво йўқ,  
Қувғин эди — олимлар.  
Билмасдинг, не — ёзиғинг?  
Кулфат эди — озиғинг.  
У кунлар захмин унут,  
Энажоним, эна юрт...

Бағрингда ўсиб ҳайҳот.  
Ўтди қанча улуғ зот.  
Алпомишу — ултонлар,  
Яхши-ёмон, султонлар.

Янгиланиш, ёнишлар,  
Не бир ақли донишлар.  
Беруний кўкда маёқ,  
Темур ёвқур ўғлонинг.  
Навоий – шеър султони,  
Жалолиддин – виждонинг.  
Гоҳи кўкка кўз тикиб,  
Улуғбекни изладинг.  
Бобурингдан айрилиб,  
Ҳинду сари бўзладинг.  
Истагинг ҳурлик эди,  
Балолар турлик эди.  
У кунлар захмин унут,  
Энажоним, эна юрт...

Эрк деганнинг оғзига,  
Қиздириб чўғ солдилар.  
Зиёлилар эрк истаб,  
Тутқунликда толдилар.  
Шунда ҳам маърифатни  
Тож қилиб, кийиб бошга.  
Қодирий, Чўлпонларинг  
Ўзни урди оташга.  
Бўлиб қалби жизганак,  
Ўзлигига қайтолди.  
"Ҳурлик бер бизларга!" - деб,  
Халқ истагин айтолди.

Манфур зотлар уларни,  
Кўзларин бойладилар.  
Хур ва озод кўксига,  
Қўргошин жойладилар.

Авлодлар юрагида,  
Исён-газаб, жўш урди.  
Ҳатто гиёҳ, ҳар майса,  
"Озодлик" деб, ўшқирди.  
Шукур, бари ортда қолди,  
Ортда қолди - таҳқирлар.  
Ҳурлик нафаси эсиб,  
Чаман бўлди, дашт, қирлар.  
Бугунки сен ҳур диёр,  
Ариган, гаму дардинг.  
Сен ўзбекнинг пок шаънин,  
"Байроқ" қилиб кўтардинг.  
У кунлар захмин унут,  
Энажоним, эна юрт...

## МУҲАББАТ

Гарчи, тақдир бешафқат,  
Яшагайман, қасдма-қасд.  
Ўзинг кураш, жангларда  
Қалқонимсан - муҳаббат...

Гулзорда гулхан ёққан.  
Ҳар гулга рангин қоққан.  
Ярамдан сизиб оққан  
Дил қонимсан — муҳаббат...

Кўз ёшларим фаввора.  
Куйингда мен оввора.  
Бир қулингман, бечора,  
Ҳоқонимсан - муҳаббат...

Қалбимга тиф тортилган.  
Ёр зарларга сотилган.  
Кўксим ёриб отилган  
Вулқонимсан — муҳаббат.  
Армонимсан — муҳаббат...

## ЭРТАК

Оқ лайлак, оппоқ лайлак,  
Сени мурувватли дер.  
Сўрасам сендан тилак,  
Менга тўқмоғингни бер.

Олиб қайтай овул оша,  
Асраб қилдек жонимни.  
Олиб қўйди ёмонлар,  
"Очил дастурхон"имни.

"Қайнар хумчам" қайларда,  
Қолиб кетган билмайман.  
Кимлар ухлаганимда,  
Олиб кетган, билмайман?

Биров қилса, насиҳат,  
Уқмоқ ҳам керак экан.  
Оғзингдагин олдирсанг,  
"Тўқмоқ" ҳам керак экан.

Оқ лайлак, оппоқ лайлак,  
Ҳимматинг зўр, билмабман.  
"Тўқмоқ" жуда асқотди,  
Сўраб бежиз, келмабман.



"Хумчанг"ни олиб келдим,  
Олгин "дастурхон"ингни.  
"Тўқмоқ"ни қолдиргину,  
Олгин бошқа - борингни.

Бўлмас энди бу оқшом,  
Сенла суҳбат қурмасам.  
Бўлмасмиди энг аввал,  
Сендан "тўқмоқ" сўрасам?

Маили, шукур бориға,  
Уқмоқ ҳам керак экан.  
Одамдек яшай десанг,  
"Тўқмоқ" ҳам керак экан.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq  
versiyasi

<https://kitobxon.com/oz/asar/1097>

saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг  
тўлиқ версияси  
<https://kitobxon.com/uz/asar/1097>  
сайтида.

Это был ознакомительный отрывок.  
Полную версию можно найти на сайте  
<https://kitobxon.com/ru/asar/1097>